



## بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

### ГУНОҲДАН ТАВБА ҚИЛГАН КИШИ – ГУНОҲИ ЙЎҚ КИШИ КАБИДИР!

**Муҳтарам жамоат!** Маълумки, инсонни йўқдан бор қилган ва мавжудодлари ичида муқаррам айлаган зот – Аллоҳ таолодир. Аллоҳ таоло инсонга ҳам ақл, ҳам нафс истакларини берган. Нафси ақлидан устун келганда инсон билиб-билмай хатоларга йўл қўяди, гуноҳ ишларга қўл уради. Ислom динида шу ҳолатга қандай қаралади, у қандай муолажа қилинади? Гуноҳкор бандага раҳмат эшиклари бутунлай ёпиладими ёки унда яна Аллоҳ таолонинг марҳаматига эришиш имконияти борми?

Агар банда астойдил тавба қилса, ҳар қандай гуноҳнинг кечирилишига умид бор. Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон, улардан содир бўлган хато ва камчиликларни кечиритиши ваъда қилган. Қуръони каримнинг 87 ўрнида тавбага тарғиб қилинган. Жумладан,

﴿وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَا الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾ (سورة النور الآية-31)

яъни: “Барчангиз Аллоҳга тавба қилингиз, эй, мўминлар! Шояд, (шунда) нажот топсангиз” (Нур сураси, 31-оят).

Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни насух (чин) тавба қилишга тарғиб қилиб, шундай деган:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا تَوْبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَّصُوحًا عَسَىٰ رَبُّكُمْ أَن يُكَفِّرَ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيُدْخِلَكُم جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ﴾ (سورة التحريم الآية-8)

яъни: “Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга чин тавба қилингиз, шоядки, Раббингиз сизларнинг гуноҳларингизни ўчириб, остидан анҳорлар оқиб турадиган (жаннатдаги) боғларга киритса!” (Таҳрим сураси, 8-оят).

Аллоҳ таоло ўзининг фазлу карами билан жаҳолат туфайли гуноҳ қилиб, кейин тезда унга афсус-надомат чеккан кишиларнинг гуноҳларини кечиритишни ваъда қилган:

﴿إِنَّمَا التَّوْبَةُ عَلَى اللَّهِ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ السُّوءَ بِجَهَالَةٍ ثُمَّ يَتُوبُونَ مِنْ قَرِيبٍ فَأُولَٰئِكَ يَتُوبُ اللَّهُ عَلَيْهِمْ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا﴾

яъни: “Албатта, Аллоҳнинг тавба қабул қилиши фақат ёмонлик (гуноҳ)ни билмасдан қилиб қўйиб, сўнгра тезлик билан тавба қилганлар учун (муқаррар)дир. Аллоҳ айнан ўшаларнинг тавбасини қабул қилур. Аллоҳ илм ва ҳикмат эгасидир” (Нисо сураси, 17-оят).

Сарвари олам, барча пайғамбарларнинг афзали бўлган Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам каттаю кичик гуноҳлардан сақланган бўлсалар-да умматларга таълим учун ҳар куни тавба қилар эдилар. Ҳадиси шарифларида ҳам бундай деганлар:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ تُوبُوا إِلَى اللَّهِ وَاسْتَغْفِرُوا فَإِنِّي أَتُوبُ فِي الْيَوْمِ مِئَةَ مَرَّةٍ﴾ (رَوَاهُ الْإِمَامُ الْبُخَارِيُّ عَنِ الْأَعْرَبِيِّ بْنِ يَسَارٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: “**Эй, инсонлар! Аллоҳга тавба қилинглар! Унга истиғфор айтинглар! Зеро мен бир кунда юз марта тавба қиламан**” (Имом Бухорий ривоятлари).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг гуноҳлардан маъсум бўлишларига қарамасдан, Аллоҳга тавба қилишлари – биз каби гуноҳдан холи бўлмаган умматлар учун катта дарс ва кўрсатмадир. Яна бир ҳадиси шарифда шундай марҳамат қилганлар:

﴿التَّائِبُ مِنَ الذَّنْبِ كَمَنْ لَا ذَنْبَ لَهُ﴾ (رَوَاهُ الْإِمَامُ ابْنُ مَاجَةَ عَنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: “**Гуноҳдан тавба қиладиган киши гуноҳи йўқ киши кабилар**” (Имом Ибн Можа ривоятлари).

Мазкур ояти карима ва ҳадисларга асосан гуноҳ қилган банданинг тавба қилиши вожиб саналади. Бепарво бўлиш, ҳали фурсатим бор деган нотўғри тасаввурга берилиши асло мумкин эмас.

Тавба эса гуноҳларнинг турига қараб ҳар хилдир:

**Биринчиси:** Банда билан фақат Аллоҳ орасидаги гуноҳлар. Масалан, зино, ароқхўрлик, ғийбат, бўҳтон. Агар ғийбат ва бўҳтон қилинган кишига хабар етиб бормаган бўлса, бу гуноҳлардан покланиш учун чин қалбдан Аллоҳга тавба қилиш кифоя. Шу билан банда оқланади.

**Иккинчиси:** Банда, банда ва Аллоҳ орасидаги гуноҳлар. Масалан мўмин биродарини ғийбат қилди ва унга етиб борди ёки ўзганинг ҳаққини еган бўлса, бу гуноҳдан покланиш учун тавбанинг учта шарти бор:

Қилган ишидан афсус-надомат қилиш;

Дарҳол ўша гуноҳни тарк қилиш ва ундан чекиниш;

Қайта такрорламасликка астойдил қасд қилмоқ ва шу билан бирга ўша инсондан кечирим сўраб, уни рози қилиши шарт бўлади.

**Учинчиси:** Банда ва Аллоҳ орасидаги тавбанинг ўзи билан кечирилмайдиган гуноҳлар. Масалан, узрсиз рўза ва намоз каби фарзларни тарк этиш гуноҳи. Бу гуноҳлар азобидан халос бўлиш учун банда астойдил тавба қилиши ва яна қолдирилган ибодатлар ўрнига қазосини бажариб бериши лозим бўлади. Мана шу тавба чин тавба бўлиб, гуноҳкорни охиратдаги жавобгарликдан қутқариб қолиши мумкин.

Ҳазрати Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ ўз даврларида бир гуруҳ кишилар билан суҳбатлашиб ўтирганларида бир одам келиб, қурғоқчиликдан шикоят қилди. Ҳазрати Ҳасан Басрий “Истиғфор айтинглар”, дедилар. Иккинчи одам келиб, камбағалликдан, учинчиси фарзандсизликдан ва хоказо шикоятлар қилинди. Уларнинг барчаларига “Истиғфор айтинглар” деган маслаҳатни бердилар. Шунда суҳбатдошлардан Робийъ ибн Субайх раҳматуллоҳи алайҳ ҳазрати Ҳасан Басрийга мурожаат қилиб: “**Эй Имом, сизга турли кишилар турли нарсалардан шикоят қилдилар, сиз эса ҳаммаларига бир хил жавоб бердингиз, бунинг боиси недур?**” дебди. Ҳасани Басрий ҳазратлари бу саволга қуйидаги ояти карими билан жавоб бердилар:

﴿فَقُلْتُ اسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ إِنَّهُ كَانَ غَفَّارًا يُرْسِلِ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مِدْرَارًا وَيَمْدِدْكُمْ بِأَمْوَالٍ وَبَيْنَ

وَيَجْعَلْ لَكُمْ جَنَّاتٍ وَيَجْعَلْ لَكُمْ أَنْهَارًا﴾

яъни: Бас, дедимки: “Раббингиздан мағфират сўрангиз! Албатта, У (бандаларига нисбатан) ўта кечиримли зотдир. (Шунда, яъни истиғфор айтсангиз) устингизга осмондан (баракали) ёмғир ёғдирур, сизларга мол-дунё, фарзандлар билан мадад берур ҳамда сизларга боғлар (барпо) қилур ва сизларга анҳорларни (ато) қилур (Нух сураси, 10-12 оятлар).

Демак, мўмин-мусулмонлар истиғфор айтиб юрсалар, Аллоҳ таоло оятда ваъда қилган барча нарсаларини ато қилар экан.

Инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳдан умидини узмасдан, Унга томон талпинавериши лозим. Зотан аввал ўтган улуғ инсонлар ичида аввал гуноҳлар ичида яшаб кейинчалик чин тавба қилиб, ҳатто Аллоҳнинг авлиё бандаси бўлганлари ҳам талайгина.

Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳ аввалда қароқчи, йўлтўсар эдилар. Мусофирларни кўриб қолсалар уларни уриб, қўрқитиб молини олар эди. Бу зот тавбаларининг сабаби қуйидагича бўлган: У бир қизни севиб қолиб, у билан учрашиш мақсадида унинг уйига боради. Девордан ошиб ўтаётганда қуйидаги оятни эшитиб қолади. Ичкаридан кимдир тиловат қилаётган эди:

﴿أَمْ يَأْنٍ لِلَّذِينَ آمَنُوا أَنْ تَخْشَعَ قُلُوبُهُمْ لِذِكْرِ اللَّهِ وَمَا نَزَلَ مِنَ الْحَقِّ﴾

яъни: “Имон келтирган зотлар учун диллари Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳақ (Қуръон)га мойил бўлиш (вақти) келмадими?!” (Ҳадид сураси 16-оят).

Бу ояти карима Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳнинг қалбларини забт этади. У: “Эй Роббим! Келди!”, дея ўша лаҳзада орқаларига қайтадилар. У бир харобага боради. У ерда кишилар сафарга чикмоқчи бўлиб туришган экан. Улар ўзаро гаплашиб туришган эди. Уларнинг баъзиси “ҳозир йўлга чиқамиз”, деса, бошқаси “эрталаб чиқамиз, ҳозир чиқсак Фузайл молимизни тортиб олади”, дер эди. Шунда Фузайл ўзига ўзи шундай деди: “Ҳолингга вой эй Фузайл! Кечалари гуноҳ қиласан, мусулмонларни қўрқитасан!”. Сўнгра Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳ уларни тинчлантириш учун олдиларига бориб, томоғига йиғиси тиқилган ҳолда: “Фузайл сизнинг қаршингизда тавба қилган ҳолида турибди! Умид қиламанки, бугундан бошлаб мени фақат Аллоҳга қочган ҳолимда, У Зотнинг Байтул Ҳароми олдидан кўрасизлар!”, дедилар. Кейин Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳ Маккага бордилар ва бутун вақтларини ибодатга, илмга бағишладилар. Натижада ислом тарихидаги тобеинларнинг энг буюкларидан бирига айландилар.

Демак, тавба муҳим ахлоқий омилдир. Кимки уни кечга сурса, инсоний фазилятлардан маҳрум бўлади. Кимки унга шошилса, ўзини ислоҳ қилган бўлади ва ёмонликни тугатишда катта кучга эга бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, олдин турли хил гуноҳларни қилиб юрган киши қилмишларига пушаймон бўлиб, гуноҳ ишларни тарк қилиб, тўғри йўлга юрса ва олдин ўзи қилиб юрган бирор гуноҳ ишдан бошқани қайтарса, атрофдагилар “ўзингиз ким эдингиз, бизга энди насиҳат қиляпсиз” деган маънода ҳар хил гап-сўзларни гапириш одати мавжуд. Бундай маломат қилиш асло мумкин эмас. Уни ўрнига “Барака топинг, биз ҳам сизга ўхшаб гуноҳ ишлардан тийиламиз ва гуноҳларимизга тавба қиламиз” дейишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳ каби қанча-қанча зотлар қилмишларига тавба қилиб, Аллоҳнинг дўстларига айланганлар.

Динимиз – ҳақиқий маънода инсонпарвар ва раҳм-шафқат динидир. Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон, улардан содир бўлган хато ва камчиликларни кечиришга доим тайёр. Гуноҳ ишлардан кейин тавба қилиш ва солиҳ амаллар қилиш бандани жаннатга киритади. Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

﴿ فَخَلَفَ مِنْ بَعدِهِمْ خَلْفٌ أَصَاعُوا الصَّلَاةَ وَاتَّبَعُوا الشَّهْوَاتِ فَسُوفَ يَلْقَوْنَ غِيًّا ﴾ إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَأُولَئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ شَيْئًا ﴾ (سُورَةُ مَرْيَمَ / 59-60)

яъни: “Сўнгра уларнинг ортидан намозни зое қилган ва шахватларга эргашган кимсалар ўрин олдилар. Энди улар, албатта, ёмонликка (ёмон жазога) йўлиқурлар. Илло, имон келтириб, эзгу ишларни қилган зотларгина (бундан мустаснодир). Бас, улар жаннатга кирурлар ва уларга бирор нарсада ноҳақлик қилинмас” (Марям сураси, 59-60-оятлар).

Фурқон сурасида Аллоҳ таоло тавба қилиб, солиҳ амал қилганларнинг ёмонликлари яхшиликларга айлантиришини хабар беради:

﴿ إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَالِحًا فَأُولَئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا ﴾ (سُورَةُ الْفُرْقَانِ / 59-60)

яъни: “Илло, кимки (шу дунёда) тавба қилса ва имон келтириб, яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилиқ (савоб)ларга айлантириб қўяр. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир” (Фурқон сураси, 70-оят).

Гуноҳнинг савобга айланиб қолиши қандай маъно касб этиши хусусида турлича тафсирлар бор. Масалан, собиқ гуноҳлари тавба билан ўчиб, ўрнига савобли ишларни қилиш билан; гуноҳ қилиш қобилияти савобли иш қилиш қобилиятига айланиши билан; Аллоҳнинг тавфиқи сабабли тоат-ибодат ва хайрли иш қилишга ўтиш билан ва ҳоказо. Ҳадиси шарифларда баъзи мўминларнинг кабира гуноҳлари кечирилиб, сағира гуноҳлари ҳасанотга айлантирилиши ҳақида башорат қилинган.

Ҳазрати Умар разияллоху анҳу: “*Кўп тавба қилувчилар билан ҳамсуҳбат бўлинглар. Чунки улар қалби пок, ҳалим кишилар бўлади*”, – деганлар.

Абу Бакр Воситий раҳматуллоҳи алайҳи: “*Ҳамма нарсада хотиржамлик яхши, лекин уч нарсада яхши эмас: намоз вақти келганда, майитни дафн қилишда ва гуноҳдан тавба қилишда*”, – дедилар.

Аллоҳ таоло барчаларимизга бу қисқа ҳаётни мазмунли ва фойдали ўтказишни, билиб-билмай қилиб қўйган гуноҳларимизга чин тавба қилиб, ёруғ юз билан Ўзининг хузурига боришимизни насиб этсин!